


### III. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2017 йил январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 144,2 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 107,0 % ни, sanoat ишлаб чиқариш индекси эса 104,6 % ни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, қайта ишлаш sanoatида ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 % га (жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 5,2 пункт), тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлашнинг - 12,9 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 1,3 пункт), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 4,9 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,4 пункт) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг - 13,5 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,1 пункт) ўсиши ҳисобланади.

#### 2017 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича sanoat ишлаб чиқариш таркиби

(жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Ўз навбатида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш меҳнат унумдорлиги 2016 йилнинг январь–декабрь ойларида нисбатан 5,6 % га ошишини таъминлади.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) саноатда 112,7 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 78,1 % ни, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда 18,24 трлн. сўмни (12,7 % ни), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда 12,1 трлн. сўмни (8,4 % ни), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда 1,1 трлн. сўмни (0,8 % ни) ташкил этди.

Қайта ишлаш саноати таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр метал буюмларни ишлаб чиқаришда 39,0 % га, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттиришда - 18,1 % га, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқаришда – 13,6 % га, металлургия саноатида – 9,2 % га, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришда – 8,8 % га маҳсулотлар ҳажми ўсиши кузатилмоқда.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>
<b>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами</b>	<b>144185,3</b>	<b>107,0</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>18240,9</b>	<b>112,9</b>
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	11638,6	121,6
металл рудаларини қазиб олиш	5381,1	102,1
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	757,4	108,7
<b>Қайта ишлаш саноати</b> <b>(ишлаб чиқарадиган саноат)</b>	<b>112681,5</b>	<b>106,4</b>
улардан:		

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	28332,3	95,0
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	20999,5	102,6
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	20188,5	139,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	3484,6	104,3
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1269,3	118,1
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3735,6	98,9
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	13348,4	105,7
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1481,6	113,6
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	7114,6	108,8
металлургия саноати	11651,0	109,2
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>12133,9</b>	<b>104,9</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>1129,0</b>	<b>113,5</b>

Тоғ-кон саноатида чақиқ тош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39,1% га, шағал - 22,2 % га, кўмир - 4,4 % га, табиий газ - 0,5 % га ошганлигини ва нефть қазиб олиш ҳажмининг 6,3% га камайганлигини кузатиш мумкин.

Қайта ишлаш саноатида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 58,1 % га, кўк чой - 21,9 % га, автобуслар - 16,4 % га, юк автомобиллари - 7,5 % га, ўсимлик мойлари - 5,4 % га ошганлигини ва шакар, пахта толаси, дизел ёқилғиси ва автомобил бензини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада пасайганлигини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,0 % га ошиб, 60 млрд. кВт/с ташкил этганлигини, иссиқлик энергиясини эса 4,5% га камайганлигини кузатиш мумкин.

### **Натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми <sup>1)</sup>**

(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)


	<i>Миқдори</i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>		
кўмир, <i>минг т</i>	4038,6	104,4
нефть, <i>минг т</i>	806,0	93,7
табиий газ, <i>млн.куб.м.</i>	56417,6	100,5
чақиқ тош, <i>минг т</i>	2090,9	139,1
шағал, <i>минг т</i>	1310,4	122,0
<b>Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)</b>		
шакар, <i>минг т</i>	473,3	88,5
кўк чой, <i>т.</i>	2050,0	121,9
ўсимлик ёғи (тозаланган), <i>минг т</i>	207,9	105,4
пахта толаси, <i>минг т</i>	951,9	92,0

<sup>1)</sup> Кичик корхона ва микрофирмалар ҳажмисиз

	<i>Миқдори</i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>
автомобиль бензини, <i>минг т</i>	1106,2	97,5
дизель ёқилғиси, <i>минг т</i>	962,9	95,5
портландцемент, <i>минг т</i>	8497,3	103,3
енги автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз), <i>дона</i>	135471	158,1
<i>шу жумладан:</i>		
«Нексия»	34544	107,4
«Дамас»	22496	133,8
«Спарк»	22360	126,1
«Жентра»	19164	2,0 м.
«Кобальт»	18014	4,6 м.
«Матиз»	13002	4,4 м.
«Каптива»	4540	2,1 м.
«Малибу»	963	4,5 м.
«Орландо»	388	115,5
юк автомобиллари, <i>дона</i>	3778	107,5
автобуслар, <i>дона</i>	1057	116,4
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>		
электр энергияси, <i>млн.кВт.с</i>	60092,3	103,0
иссиқлик энергияси, <i>минг Гкал.</i>	27365,0	95,5


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (102,7 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 38,9 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)



2016 йилга нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 51,5 % дан 2017 йил январь-декабрь ойларида 54,8 % га ошиши кузатилмоқда.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да**  
(январь-декабрь ойлари учун)




Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Андижон (2016 йил январь-декабрга нисбатан 125,8 % га), Хоразм (115,5 % га) ва Наманган (107,3 % га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (109,4 % га) ва Тошкент шаҳрида (109,2 % га) ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши таъминланди.

### Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида Тошкент шаҳри (умумий ҳажмининг 19,6 % улушини), Тошкент (14,6 %), Андижон (9,2 %), Навоий (9,1 %), Қашқадарё (7,5 %), Фарғона (6,7 %) ва Самарқанд (6,4 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга энг кам улуш Сурхондарё (1,5 %), Жиззах (1,6 %), Сирдарё (2,4 %), Наманган ва Хоразм (2,7 %) вилоятларига тўғри келади.


**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сумда <sup>1)</sup></i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сумда <sup>1)</sup></i>	<i>2016 йилга нисбатан фоизда</i>
<b>Ўзбекистон</b>				
<b>Республикаси</b>	<b>144 185,3</b>	<b>107,0</b>	<b>56 159,4</b>	<b>102,7</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	6 669,0	109,4	1 158,6	102,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	13 230,3	125,8	9 439,6	130,3
Бухоро	6 353,1	100,8	2 866,3	97,4
Жиззах	2 288,5	102,7	1 162,4	100,5
Қашқадарё	10 820,9	106,4	2 503,2	90,8
Навоий	13 088,0	100,9	2 199,8	93,8
Наманган	3 901,7	107,3	2 715,5	104,8
Самарқанд	9 167,7	104,5	5 579,6	97,7
Сурхондарё	2 189,8	92,3	996,3	93,0
Сирдарё	3 404,9	86,9	1 175,6	75,9
Тошкент	21 060,3	105,3	5 926,0	100,3
Фарғона	9 612,7	104,3	3 571,4	101,0
Хоразм	3 828,0	115,5	2 291,7	108,6
Тошкент ш.	28 310,2	109,2	12 870,8	101,5

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда




**Худудларнинг республика жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш табақаланишининг таҳлили Навоий вилоятида (13772,5 минг сўм), Тошкент шаҳрида (11579,3 минг сўм), Тошкент вилоятида (7401,8 минг сўм ) ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (4451,9 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)



Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат фаолиятининг кескин ўзгариб бориши натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 % га ошишини таъминлади. Агарда жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 39,6 % ни ташкил этган бўлса, қайта ишлаш саноатида унинг улуши 49,4 % ни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, республика саноати салоҳиятининг ривожланишига маҳаллий аҳамиятга эга корхоналар (давлат улуши юқори бўлган корхоналарсиз) ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бунда, кузатилаётган даврда мазкур корхоналар томонидан 76,0 трлн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,1 %), республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 52,7 % ни ташкил этди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида маҳаллий аҳамиятга эга корхоналар ва давлат улуши юқори бўлган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари улуши**  
(2017 йил январь-декабрь ойлари учун)  
(жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да)



Ушбу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми энг кўпроқ Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятлари корхоналари салмоғига тўғри келмоқда. Энг юқори ўсиш суръатлари эса Тошкент шаҳрида (109,9 %), Тошкент (108,7 %), Наманган (107,0 %), Фарғона (106,1 %) ва Андижон (105,7 %) вилоятларида кузатилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 799 та лойиҳа бўйича 9,9 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 512,4 млн. АҚШ доллар миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 3 018 та янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 мартага ошганлиги ва яратилган иш ўринлари эса 2016 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан қарийб икки мартага кўпайганлиги кузатилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб  
чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**  
(январь-декабрь ойлари учун)

	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	695	799
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	318	343
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	6 145,8	9 860,6
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. <i>АҚШ долл.</i>	425,7	512,4
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	1 510	3 018

Айни пайтда республикада 49 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, 10,2 мингта корхона 2017 йил январь–декабрь ойларида ташкил этилди, улардан: Тошкент шаҳрига 2,6 мингта корхона, Фарғона вилоятига 1144 та корхона, Тошкент вилоятига 1057 та корхона, Самарқанд вилоятига - 895 та, Наманган ва Андижон вилоятларига 800 тадан ортиқ корхона, Бухоро вилоятига 500 тага яқин корхона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига 400 тадан ортиқ корхона, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига 300 тадан ортиқ корхона, Навоий ва Сирдарё вилоятларига 200 тадан ортиқ корхона тўғри келади.